# "Эл-юрт умиди" жамғармасининг навбатдаги 272 та ўринга мўлжалланган 3-очиқ стипендия танловини ташкил этиш механизми ва танловларни ўтказиш тартиби тўғрисида

# Т А Қ Д И М О Т


“Эл-юрт умиди” жамғармаси 2021
йил 20 июлдан 20 августга қадар
272 ўринга мўлжалланган 3-очиқ
стипендия танловларига
номзодлардан ҳужжатлар қабул
қилишни бошлади

# Жамғарманинг стипендия дастурларига ва стипендия танловларини ўтказиш тартибига киритилган ўзгартиришларни кенг оммага халқчил тилда тушунтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган амалий-услубий семинарлар тўғрисида маълумот

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ПФ-6168-сон Фармонига мувофиқ Жамғарманинг стипендия дастурларига ва стипендия танловларини ўтказиш тартибига киритилган ўзгартиришларни республиканинг барча ҳудудларидаги ёшлар ва давлат хизматчиларига етказиш мақсадида ўтказилган амалий-услубий семинарларда иштирок этган мутахассислар сони**




**Қорақалпоғистон Республикаси** — 3000 нафар

**Хоразм вилояти** — 2500 нафар

**Бухоро вилояти** — 2000 нафар

**Қашқадарё вилояти** — 1500 нафар

**Навоий вилояти** — 2000 нафар

**Жиззах вилояти** — 1500 нафар

**Тошкент вилояти** — 1000 нафар

**Тошкент шаҳар** — 3000 нафар

**Наманган вилояти** — 1200 нафар

**Андижон вилояти** — 1500 нафар

**Самарқанд вилояти** — 2000 нафар

**Фарғона вилояти** — 1100 нафар

**Сирдарё вилояти** — 1000 нафар

**Сурхондарё вилояти** — 1200 нафар

# ЖАМҒАРМАНИНГ 272 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН 3-СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## Ажратилган ўринларнинг хорижий таълим дастурлари кесимида




## Ажратилган ўринларнинг танлов ўтказиш йўналишлари кесимида

- **81** — Давлат ва жамият бошқаруви
- **17** — Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси
- **139** — Таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари
- **35** — Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АЖРАТИЛГАН ЎРИНЛАР

| Т/р | Билим соҳалари | Т/р | Таълим соҳаси | Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ажратилган ўринлар сони | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат | Магистратура | Докторантура | |
| **Давлат ва жамият бошқаруви** | | | | **22** | **32** | **27** | **81** |
| 1 | **Гуманитар соҳа** | 1 | Педагогика | 1 | 3 | 5 | **9** |
| | | | ***шу жумладан, хорижий тиллар*** | | 2 | 3 | **5** |
| | | 2 | Гуманитар фанлар | 1 | 3 | 5 | **9** |
| | | | ***шу жумладан, хорижий тиллар*** | | | 3 | **3** |
| | | 3 | Табиий фанлар | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 4 | Санъат | 1 | 1 | 1 | **3** |
| 2 | **Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ** | 5 | Социология ва психология | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 6 | Журналистика ва ахборот | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 7 | Иқтисод | 3 | 4 | 1 | **8** |
| | | 8 | Ҳуқуқ | 1 | 2 | 2 | **5** |
| 3 | **Ишлаб чиқариш-техник соҳа** | 9 | Муҳандислик иши | 2 | 3 | 1 | **6** |
| | | 10 | Ишлаб чиқариш технологиялари | 2 | 2 | 1 | **5** |
| | | 11 | Компьютер технологиялари ва информатика | 1 | 2 | 1 | **4** |
| | | 12 | Архитектура ва қурилиш | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 13 | Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари | 1 | 2 | 1 | **4** |
| 4 | **Қишлоқ ва сув хўжалиги** | 14 | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 | 2 | 1 | **4** |
| | | 15 | Ветеринария | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 16 | Ирригация ва мелиорация | 1 | 1 | 1 | **3** |
| 5 | **Хизматлар соҳаси** | 17 | Хизмат кўрсатиш соҳаси | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 18 | Транспорт | 1 | 1 | 1 | **3** |

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АЖРАТИЛГАН ЎРИНЛАР

| Т/р | Билим соҳалари | Т/р | Таълим соҳаси | Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ажратилган ўринлар сони | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат | Магистратура | Докторантура | |
| **Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси** | | | | **5** | **8** | **4** | **17** |
| 1 | **Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ** | 1 | Иқтисод | 1 | 2 | 1 | **4** |
| | | 2 | Ҳуқуқ | 2 | 4 | 1 | **7** |
| 2 | **Ишлаб чиқариш-техник соҳа** | 3 | Компьютер технологиялари ва информатика | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 4 | Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари | 1 | 1 | 1 | **3** |

# ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА БОШҚА ИЖТИМОИЙ СОҲА ТАРМОҚЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АЖРАТИЛГАН ЎРИНЛАР

| Т/р | Билим соҳалари | Т/р | Таълим соҳаси | Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ажратилган ўринлар сони | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат | Магистратура | Докторантура | |
| **Таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари** | | | | **28** | **58** | **53** | **139** |
| 1 | **Гуманитар соҳа** | 1 | Педагогика | 1 | 5 | 8 | **14** |
| | | | ***шу жумладан, хорижий тиллар*** | | | 3 | **3** |
| | | 2 | Гуманитар фанлар | 1 | 5 | 14 | **20** |
| | | | ***шу жумладан, хорижий тиллар*** | | 2 | 11 | **13** |
| | | 3 | Табиий фанлар | 1 | 4 | 2 | **7** |
| 2 | **Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ** | 4 | Социология ва психология | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 5 | Иқтисод | 2 | 5 | 3 | **10** |
| | | 6 | Ҳуқуқ | 1 | 5 | 3 | **9** |
| 3 | **Ишлаб чиқариш-техник соҳа** | 7 | Муҳандислик иши | 4 | 7 | 6 | **17** |
| | | 8 | Ишлаб чиқариш технологиялари | 2 | 6 | 5 | **13** |
| | | 9 | Компьютер технологиялари ва информатика | 5 | 6 | 3 | **14** |
| | | 10 | Архитектура ва қурилиш | 2 | 2 | 1 | **5** |
| 4 | **Қишлоқ ва сув хўжалиги** | 11 | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 | 3 | 2 | **6** |
| | | 12 | Ирригация ва мелиорация | 1 | 2 | 1 | **4** |
| 5 | **Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот** | 13 | Соғлиқни сақлаш | 5 | 5 | 3 | **13** |
| 6 | **Хизматлар соҳаси** | 14 | Транспорт | 1 | 2 | 1 | **4** |

# ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АЖРАТИЛГАН ЎРИНЛАР

| Т/р | Билим соҳалари | Т/р | Таълим соҳаси | Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ажратилган ўринлар сони | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бакалавриат | Магистратура | Докторантура | |
| **Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари** | | | | **14** | **14** | **7** | **35** |
| 1 | **Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ** | 1 | Иқтисод | 6 | 5 | 1 | **12** |
| | | 2 | Ҳуқуқ | 1 | 1 | 1 | **3** |
| 2 | **Ишлаб чиқариш-техник соҳа** | 3 | Муҳандислик иши | 2 | 3 | 1 | **6** |
| | | 4 | Ишлаб чиқариш технологиялари | 1 | 1 | 1 | **3** |
| | | 5 | Компьютер технологиялари ва информатика | 2 | 2 | 1 | **5** |
| 3 | **Қишлоқ ва сув хўжалиги** | 6 | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1 | 1 | 1 | **3** |
| 4 | **Хизматлар соҳаси** | 7 | Транспорт | 1 | 1 | 1 | **3** |

## Хорижий давлатларда бакалавриат, магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олиш учун навбатдаги 3-стипендия танлови учун ажратилган квоталар ва бунга мос равишда танловда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган номзодлар тўғрисида маълумот

| Т/Р | Танлов ўтказиш йўналиши | Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ажратилган ўринлар | | | | | | | | | Жами ажратилган ўринлар | Жами рўйхатдан ўтган номзодлар | Acceptance letter (ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида хати) топширганлар | Acceptance letter (ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида хати) Низом талабига жавоб берадиганлар | Жами ҳужжатларини тўлиқ юклаган номзодлар | Конкурс даражаси (рўйхатдан ўтганлар сони/ажратилган ўринлар) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бакалавриат | | | Магистратура | | | Докторантура | | | | | | | | |
| | | Ажратилган ўринлар | Рўйхатдан ўтган номзодлар | Ҳужжатларини тўлиқ юклаган номзодлар | Ажратилган ўринлар | Рўйхатдан ўтган номзодлар | Ҳужжатларини тўлиқ юклаган номзодлар | Ажратилган ўринлар | Рўйхатдан ўтган номзодлар | Ҳужжатларини тўлиқ юклаган номзодлар | | | | | | |
| **Умумий сони** | | **69** | **452** | **22** | **112** | **970** | **25** | **91** | **214** | **6** | **272** | **1 636** | **128** | **68** | **53** | **6,01** |
| 1 | Давлат ва жамият бошқаруви | 22 | 98 | 4 | 32 | 176 | 5 | 27 | 26 | 1 | 81 | 300 | 34 | 16 | 10 | 3,70 |
| 2 | Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси | 5 | 24 | 1 | 8 | 54 | 5 | 4 | 7 | 1 | 17 | 85 | 12 | 5 | 7 | 5,00 |
| 3 | Таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари | 28 | 186 | 4 | 58 | 586 | 10 | 53 | 152 | 3 | 139 | 924 | 38 | 22 | 17 | 6,65 |
| 4 | Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари | 14 | 144 | 13 | 14 | 154 | 5 | 7 | 29 | 1 | 35 | 327 | 44 | 25 | 19 | 9,34 |

# ЖАМҒАРМАНИНГ ОЧИҚ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ОНЛАЙН ҲУЖЖАТ ТОПШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

**01**

Жамғарма расмий веб-сайтига кириш ва *онлайн ҳужжат топшириш* тугмасини босиш

**02**

Юқорида келтирилган *танлов ўтказиш йўналишлари*дан бири танланади

**03**

Хорижий таълим дастури ва устувор мутахассислик танланади

**04**

Ҳужжат топшираётган номзоднинг *умумий маълумотлари* киритилади

**05**

Электрон почта манзилига юборилган *тасдиқлаш коди* киритилади

**06**

Шахсий кабинетга кирилади ва талаб этилган ҳужжатлар юкланади

# ЖАМҒАРМА ТАНЛОВЛАРИДА КИМЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

Хорижий университетлар THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U. S. News and World Report (Best Global University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро рейтингларда топ **300** та ёки фан йўналиши бўйича топ **100** та рўйхатида бўлиши талаб этилади

Халқаро рейтинг ташкилотлари рейтингида танланган университет мавжуд бўлмаса, тегишли вазирлик ёки идора хулосасига кўра Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан шундай университет ёки бошқа ташкилотларда ўқиш мумкин

# «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Танлов барча учун очиқ ва йил давомида аризалар эркин топширилади

Ҳужжатлар онлайн тарзда электрон шаклда топшириб борилади

## ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Давлат ва жамият бошқаруви
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси
- Таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари
- Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари

## ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ НОМЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

**Бакалавриат**
*3 - 4 йил*

**Магистратура**
*1 - 2 йил*

**Докторантура**
*1 - 4 йил*

# «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

## НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши
- Ёши:
  Бакалавриат — 25 ёшгача;
  Магистратура — 20 ёшдан 45 ёшгача;
  Докторантура — 22 ёшдан 45 ёшгача;
- Танланган мутахассислик бўйича камида 2 йил меҳнат тажрибасига эга бўлиши (*олий таълим тизимидан ташқари*)
- Учинчи шахсларнинг тўлиқ молиявий мажбурияти тўғрисида расмий розилиги

## ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА АЛОҲИДА ТАЛАБЛАР

### Бакалавриат, магистратура ва докторантура таълим дастурлари учун

- Хорижий тилни CEFR B2 Даражасидан паст бўлмаган даражада билиши тўғрисида халқаро/миллий сертификатнинг мавжудлиги
- Хорижий ва бошқа муассасага ўқишга кирганлиги тўғрисида таклифнома хати мавжудлиги (Letter of Acceptance)
- Хорижий ҳамкор муассасанинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатда бўлиши

# «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

## ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ (*йил давомида даврий равишда ўтказилади*)

### 1-БОСҚИЧ

Жамғарма техник гуруҳи томонидан ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш

### 2-БОСҚИЧ

Номзодларни билим ва кўникмалари, хорижда таълим олишидан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олган билимларини Ўзбекистонда қўллаш нуқтаи-назаридан баҳолаш (суҳбат/ёзма/тест) ўтказиш

**Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар рўйхатини Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланиши, Жамғарманинг вебсайти ҳамда ижтимоий тармоқларида оммавий эълон қилиниши**

**Стипендиат танланган мутахассислик бўйича бакалавриат ва магистратура дастури учун олти ой, докторантура дастури учун бир календарь йил мобайнида танланган хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатни (Letter of unconditional acceptance) тақдим эта олмаса, унинг стипендияси бекор қилинади.**

# ЖАМҒАРМА СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН НОМЗОДЛАРДАН ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

## Барча номзодлар учун:

1. Жамғарма ижрочи директори номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятлар акс этган буюртмачининг кафолат хати (танлов ғолиблари учун);
4. Узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини қоплаш тўғрисида давлат органи томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси. (танлов ғолиблари учун);

## Бакалавриат (*юқоридагиларга қўшимча*):

1. Хорижий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);
2. Хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар);
3. Хорижий таълим муассасасига шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;
4. Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

## Магистратура (*юқоридагиларга қўшимча*):

1. Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);
2. Хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар);
3. Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;
4. Номзоднинг Ўзбекистонда ва хорижда (агар мавжуд бўлса) эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;
5. Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

## Докторантура (*юқоридагиларга қўшимча*):

1. Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага ўқишга қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);
2. Хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар);
3. Хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасага шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлар, бундан мустасно;
4. Танланган соҳани ривожлантириш ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистонда қўллаш учун номзод тадқиқотининг долзарблиги тўғрисида тегишли таълим, илмий ёки бошқа муассаса раҳбарининг тавсия хати;
5. Номзоднинг Ўзбекистонда ва хориждаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;
6. Режалаштирилаётган илмий тадқиқотнинг мақсадлари, услублари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги эссе (ёзма иш).

**Кўпчилик хорижий университетлар мотивацион эссе хат ёзишни талаб қилишади. Бакалавриат, магистратура ва докторантура дастурлари учун ёзиладиган мотивацион эссе хатларни ёзишда номзодлардан маълум қоида ва услубларга амал қилишлари талаб қилинади**

## Мотивацион эссе ёзишга оид услубий тавсиялар

01

Мотивацион эссе хатнинг ҳажми ўртача 500 – 1000 сўз атрофида бўлиб, бир ёки икки варақдан иборат бўлиши мумкин.
Эссе хати асосан учта қисмдан иборат бўлади: Кириш, асосий қисмлар ва хулоса

02

**Жамғарма стипендиатлигига номзодлар қуйидаги бандларга эътибор беришлари талаб этилади.**
Мотивацион эссе хат ёзилаётган вақтида, номзод қайерга ва нима учун ҳужжат топшираётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак;
Дастур талабларини чуқур билган ҳолда, нима сабабдан у энг яхши номзод бўла олишини камида учта асосий талабларга таянган ҳолда исботлаб, ёритиб бериши лозим.

03

Номзодлардан мотивацион эссе хатларида вазият ва имкониятларга холис баҳо беришлари ҳамда эссе ёзиш жараёнида ҳақиқийликка, ҳаққонийликка амал қилишлари, кўчирмачилик ёки ёлғон маълумот ишлатмасликлари талаб қилинади

04

Стипендиантликка номзодлар, нима сабабдан ўзлари танлаган мутахассислик бугунги кунда долзарб эканлиги ва аҳамиятини эссе хатларида ифода қилишлари талаб қилинади. Яъни нима учун айнан танланган соҳа, танланган йўналиш ёки дастурни танлашдан номзоднинг мақсади ва йўналишни тугатиб келгандан сўнг танланган йўналиши ва олган билим ва кўникмаларнинг жамият ва давлатга фойдаси қай даражада муҳим эканлигини ёритиб беришлари талаб қилинади.

# МОТИВАЦИОН ЭССЕ ХАТИНИНГ МАЗМУНИ

Номзодлар эссе хатларида иш ва билим тажриба ҳамда кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда нега айнан ўзлари танлаган мамлакат, олий таълим муассасаси танлаган йўналишларининг аҳамияти ҳақида маълумот беришлари сўралади

Хулоса қисмида, номзодлардан танлаган дастур ва йўналишларининг нафақат мамлакат ва жамият, қолаверса номзодларнинг илмий ва касбий ривожланишига қай даражада таъсир қилиши далил ва исботлар билан ёритиб берилиши лозим

Мотивацион эссе хатни жўнатишдан олдин, яна бир марта ундаги услубий, грамматик ва синтактик қоидаларга тўлиқ амал қилинганлиги текширилиши ва албатта эссенинг қисмларининг узвий боғлиқлиги, мазмун жиҳатдан тўлиқ ёритиб берилганлигига ишонч ҳосил қилиш талаб қилинади

# 272 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН 3-ОЧИҚ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИДА НОМЗОДЛАРНИНГ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

**Стипендия танловлари қуйидаги 2 та босқичда амалга оширилади**

**1**

**Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва белгиланган Низом талабларига мос келадиган номзодларни дастлабки саралашдан ўтказиш**

**2**

**1-босқичда танланган номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, номзодларнинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражасини аниқлашга қаратилган *давлат тилида суҳбат* ўтказиш**

# СУҲБАТ ЎТКАЗИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**Суҳбат натижалари Танлов комиссияси томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади**

| № | Мезонлар | Баллар (Умумий 100 балл) | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 30% гача (0-30 баллгача) | 31-60% гача (31-60 баллгача) | 61-100% гача (61-100 баллгача) |
| 1. | **Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари** | Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари тўғрисида етарли маълумотларга эга эмас | Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари бўйича умумий маълумотларга эга, аммо Уларнинг самарасини тўлиқ ёритиб бера олмайди | Хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари бўйича маълумотларни тўлиқ ёритиб бера олади. Келажакда олинган билимларни қўллаш тўғрисида аниқ режа ва тасаввурга эга |
| 2. | **Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги*** | Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, онаВатанига ва илм-фанга садоқатиҳамда фидойилиги паст даражада | Номзод маънавий-ахлоқий тафаккур, соғлом дунёқараш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар, онаВатанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги тўғрисида умумий тасаввурга эга. Аммо қайд этилган билимлар ва кўникмалар етарли даражада ижобий, фаол ва қатъий эмас, ўзВатани ва танлаган фани ривожига содиқлиги сустроқ | Номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши яхши, ўз Ватанига ва илм- фанга садоқатини тўлиқ намоён эта олади ҳамда кенг дунёқарашга эга. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш стратегияси ва давлат сиёсатини тўғри тасаввур этади. Фаол ва қатъий ижтимоий позицияга эга. Мустақил позитив фикрлаш, таҳлил қилиш, масалага ижодий ёндашиш фазилатлари мавжуд |
| 3. | **Номзоднинг танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражаси** | Мутахассислигибўйича қисман маълумотга эга;интеллектуал қобилиятлари ўртадан паст даражада | Мутахассислиги ҳақида умумий тушунчаларга эга, аммо унинг асосий мақсади вавазифаларини ёритиб бера олмайди; интеллектуал қобилиятлари ўрта даражада. | Мутахассислиги ҳақида кенг тушунчаларга эга, унинг асосий мақсади ва вазифаларини ёритиб бера олади ҳамда хорижий тажрибани эгаллаш бўйича аниқ мақсадларгаэга. Интеллектуал қобилиятлари ўртадан юқори даражада. |

# СУҲБАТ ЎТКАЗИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

** Суҳбат жараёнида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳияти ва билимлари даражасини аниқлаш бўйича суҳбат дастуридан фойдаланилади.*

**Давлат тилида суҳбат ва савол-жавоблар учун 30 (ўттиз) дақиқагача вақт ажратилади.**

**Комиссия суҳбат натижаларидан келиб чиқиб, қайдноманинг алоҳида графасида номзоднинг ҳар бири бўйича қуйидаги белгилардан бирини қайд этади:**

**0** — **“Жамғарма Васийлик кенгаши муҳокамасига тавсия этилмайди”** *(агарда умумий балл 61 балдан паст бўлса)*

**1** — **“Жамғарма Васийлик кенгаши муҳокамасига тавсия этилади”** *(агарда 61 балл ва ундан юқори бўлса)*



**Зайнобидинова Мунирахон**

“Таълим соҳасида раҳбарлик” йўналиши 2-босқич магистранти

Фарғона давлат университети

香 港 大 學

THE UNIVERSITY OF HONG KONG

**THE World University рейтингида: 36 ўрин**

**QS World University рейтингида: 25 ўрин**





KING'S College LONDON

**THE World University рейтингида: 38 ўрин**

**QS World University рейтингида: 31 ўрин**

**Каримова Малика**

«Дерматология» йўналиши докторанти

Тошкент тиббиёт академияси





**Ахроров Муродбек**

“Жаррохлик” йўналиши 1-босқич магистратура талабаси

Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти

UNIVERSITY OF ALBERTA

**THE World University рейтингида: 132 ўрин**

**QS World University рейтингида: 109 ўрин**





u^b UNIVERSITÄT BERN

**THE World University рейтингида: 110 ўрин**

**QS World University рейтингида: 139 ўрин**

**Якубходжаев Умид**

“Ҳуқуқшунослик” йўналиши докторанти

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети



# “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлари

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендия танловлари тўғрисида батафсил маълумотлар

www.eyuf.uz

71-203-14-41

71-203-00-47

71-203-00-48


ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!